

**Лизинг берувчи (филиал) ва лизинг олувчи ўртасида  
тузиладиган лизинг шартномасининг намунавий шакли  
ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ**

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки \_\_\_\_\_ филиали (кейинги ўринларда – Лизинг берувчи) бошқарувчиси \_\_\_\_\_ Низом ва Ишончнома асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда – Лизинг олувчи) раҳбари устав (низом, патент) асосида фаолият юритиб, иккинчи томондан, ушбу лизинг шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) қуйидагилар ҳақида туздик.

**1-§. Шартнома предмети**

1. Лизинг берувчи ушбу Шартнома шартларига мувофиқ лизинг объектини мулк сифатида сотиб олишга ва уни Лизинг олувчига вақтинча эгалик қилиш ва тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш учун мазкур Шартномада кўрсатилган муддатга, шартларда ва ҳақ эвазига лизингга беради, Лизинг олувчи эса лизинг тўловини ушбу Шартнома шартлари ва лизинг тўловини амалга ошириш графигига мувофиқ тўлайди.

2. Лизинг объекти \_\_\_\_\_ бўлиб, унинг умумий қиймати \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм.

3. Лизинг объекти Лизинг олувчининг, мазкур Шартноманинг 1-илоvasида келтирилган, буюртмасига мувофиқ \_\_\_\_\_ дан (кейинги ўринларда – Сотувчи) харид қилиниши лозим.

**2-§. Лизинг объектини етказиб бериш ва фойдаланишга топшириш**

4. Лизинг берувчи томонидан лизинг объектини Лизинг олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишга бериш топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида амалга оширилади.

5. Лизинг берувчи лизинг объектини ушбу Шартномада кўрсатилган муддатда етказиб бериш тўғрисида Сотувчи билан келишга олмаса, лизинг объектини етказиб бериш муддати, Сотувчи етказиб беришни кафолатлайдиган вақтгача, узайтирилиши мумкин.

**3-§. Лизинг объектига мулк (эгалик) ҳуқуқи, баланс  
ҳисобини юритиш ва амортизация ҳисоблаш**

6. Ушбу Шартнома амал қиладиган даврда лизинг объектига мулк (эгалик) ҳуқуқи Лизинг берувчида бўлади.

Лизинг объектига вақтинча эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ушбу Шартномада кўзда тутилган чекловлар билан Лизинг олувчига ўтади.

7. Лизинг объекти ҳисоби Лизинг олувчининг балансида юритилади ва унга амортизация (эскириш) ҳисобланади.

**4-§. Шартнома қиймати, лизинг муддати ва лизинг тўловлари**

8. Ушбу Шартноманинг (лизингнинг) умумий қиймати \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм.

9. Лизинг муддати – \_\_\_\_\_ ой.

10. Лизинг бўйича асосий қарзни тўлаш тартиби ва муддати, мазкур Шартноманинг 2-илоvasида келтирилган, графикда белгилаб қўйилади. Лизинг объектидан фойдаланганлик учун ҳақ (фоиз) ушбу Шартнома шартларига мувофиқ тўланади.

Лизинг объектини етказиб бериш муддати ўзгарса, Лизинг олувчи Лизинг берувчи билан келишган ҳолда лизинг тўловини амалга ошириш графигини ўзгартириш ҳуқуқига

эга бўлади.

11. Лизинг объектига оид уч томонлама олди-сотди шартномаси бўйича тўлов куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) тўловнинг \_\_\_ фоизи, яъни \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_)  
сўмга тенг қисми Лизинг берувчининг маблағи ҳисобидан;

б) тўловнинг \_\_\_ фоизи, яъни \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_)  
сўмга тенг қисми Лизинг олувчининг маблағи ҳисобидан.

12. Лизинг объектдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси йиллик ҳисоб асосида \_\_\_% миқдорида белгиланади ва лизинг объектини Лизинг олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишга беришга оид топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб ҳар кунга ҳисоблаб борилади.

13. Лизинг олувчи лизинг объектдан фойдаланганлик учун ҳақни (фоизни), лизинг объектини вақтинчалик эгалик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишга беришга оид топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб, ҳар ойнинг \_\_\_-санасида тўлаб беради ёки Лизинг берувчи томонидан ундирилиб олинади. Лизинг тўлови тўланадиган кун дам олиш кунига тўғри келса, лизинг объектдан фойдаланганлик учун фоизни тўлаш, дам олиш кунларига ҳисобланган фоизни ҳам қўшган ҳолда, дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунига амалга оширилади.

14. Лизинг тўловини амалга ошириш графигига мувофиқ лизинг бўйича асосий қарз ўз вақтида қайтарилмаганда, фоиз ставкаси 1,5 баробар оширилади (яъни қарздорликнинг муддати ўтган қисми учун йиллик ҳисоб асосида \_\_\_% миқдорида ҳақ ундирилади).

15. Лизинг бўйича муддати ўтган фоиз тўлови юзага келган тақдирда, Лизинг олувчи ҳар бир муддати ўтган кун учун тўлов муддати ўтган қарздорликдан 0,5%, лекин муддати ўтган фоиз қарздорлигининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда, Лизинг берувчига пеня тўлайди.

16. Лизинг олувчи ташаббуси билан ушбу Шартнома шартлари қайта кўрилганда, Лизинг берувчи лизинг қийматининг сўндирилмаган қисмидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробаригача миқдорда воситачилик ҳақи ундириш ҳуқуқига эга бўлади.

17. Лизинг объектининг уч томонлама олди-сотди шартномаси қиймати 100% тўланган кундан лизинг объектини вақтинчалик эгалик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишга беришга оид топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган кунгача ҳар бир кун учун Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчи фойдасига лизинг (шартнома) қийматидан 0,05% тўлов амалга оширилади. *эга бўлади.*

19. Лизинг шартномасини тузиш, лизинг объектини сотиб олиш ва уни ваколатли давлат идораларида рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ Лизинг берувчи томонидан қилинган барча харажатлар, Лизинг олувчининг асосий талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағига акцептсиз равишда маблағни ечиш учун тўлов талабномаси кўйиш орқали, Лизинг олувчи томонидан қопланади.

## 5-§. Лизинг таъминоти

20. Лизинг олувчи лизинг таъминоти сифатида, Лизинг берувчи томонидан лизинг объекти учун тўлов амалга оширилгунга қадар, куйидагиларни тақдим этади (*таъминот турига қараб*):

а) лизинг шартномаси муддатига суғурта шартномаси ва суғурта полиси;

б) нотариал тартибда тасдиқланган гаров шартномаси асосида \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_;

в) \_\_\_\_\_ нинг кафиллик шартномаси.

## 6-§. Лизинг объектининг сифати ва бутлиги

21. Лизинг олувчи лизинг объектини ушбу Шартноманинг 4-бандида белгиланган тартибда қабул қилади.

22. Лизинг берувчи Сотувчи томонидан лизинг объектнинг уч томонлама олди-сотди шартномасига кўра олинган мажбуриятлар бажарилмаган ҳолатлар учун жавобгар бўлмайди.

23. Лизинг олувчи лизинг объектнинг уч томонлама олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи лизинг объекти сифати ва бутлиги юзасидан бевосита Сотувчига талаб қўйишга ҳақли ҳисобланади.

### **7-§. Лизинг объекти турадиган жой ва ундан фойдаланиш шартлари**

24. Мазкур Шартнома муддати давомида лизинг объекти Лизинг олувчига қарашли \_\_\_\_\_ манзилда жойлашган объектда туради.

Лизинг объекти турадиган жойни ўзгартириш учун Лизинг берувчининг ёзма розилиги олинади.

25. Лизинг олувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) лизинг объектдан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш;  
б) тегишли стандартлар, техник талаблар, эксплуатация қоидалари ва ишлаб чиқарувчи корхона йўриқномасига риоя этиш;

в) лизинг объектини соз ҳолатда сақлаш;

г) лизинг объектнинг аҳволини мунтазам равишда текшириб туриш;

д) лизинг объекти фаол ҳолатда бўлишини таъминлаш, унинг носоз қисмларини, агар Лизинг берувчи билан тузилган ушбу Шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, Сотувчи етказиб берган ёки тавсия қилган эҳтиёт қисмлар билан алмаштириш. Мазкур шарт бажарилмаган тақдирда Лизинг берувчи Лизинг олувчидан лизинг объектини таъмирлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, Лизинг олувчи эса лизинг объектини ўз маблағи ҳисобидан таъмирлаш мажбуриятини олади;

е) лизинг объекти ушбу объект бўйича мутахассис ходимлар томонидан тўғри эксплуатация қилинишини таъминлаш;

ё) лизинг объектига техник хизмат кўрсатиш юзасидан мутахассислар бажарган барча ишлар ҳақини ўз вақтида тўлаш;

ж) лизинг объектдан фойдаланишга қўйиладиган талаблар – рўйхатдан ўтказиш, лицензия олиш ва бошқа зарур талабларни бажариш;

з) Лизинг берувчи томонидан тўланган барча харажатлар, бож, солиқ (мулк, ер ва қўшимча қиймат солиқлари), ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ турли харажатлар ҳамда лизинг объектнинг уч томонлама олди-сотди шартномаси ижросига дахлдор харажатларни қоплаш;

и) лизинг объектига амортизация (эскириш) ҳисоблаш;

й) лизинг тўловини ўз вақтида тўлаш.

26. Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасидаги лизинг объектини вақтинчалик эгалик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишга бериш топшириш-қабул қилиш далолатномаси Лизинг берувчининг лизинг объектига мулк (эгалик) ҳуқуқи тегишли давлат идорасида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг 5 банк иш куни ичида имзоланади.

### **8-§. Лизинг объектига ўзгартириш киритиш**

27. Лизинг олувчи Лизинг берувчидан ёзма розилик олмасдан лизинг объектига бирон-бир тарзда (лизинг объектдан ажраладиган ва ажралмайдиган) ўзгартириш ёки тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

28. Лизинг объектига Лизинг олувчи томонидан, Лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида, киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва тузатиш лизинг объектнинг бир қисми ҳисобланади.

### **9-§. Ушбу шартнома бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг учинчи шахсга ўтиши**

29. Лизинг берувчига ушбу Шартномага кўра тегишли бўлган ҳуқуқлар (талаблар) тўлиқ ёки қисман учинчи шахсга берилиши мумкин. Бундай ҳолатда Лизинг берувчи ўз ҳуқуқлари (талаблари) учинчи шахсга ўтишидан 30 кун олдин Лизинг олувчига ёзма хабар бериши шарт.

30. Лизинг олувчи қуйидагиларга ҳақли эмас:

а) лизинг объектини сотиш, шунингдек уни учинчи шахс ихтиёрига ўтказишга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

б) лизинг объектини корхонанинг (ташкilotнинг) устав капиталига улуш сифатида киритиш;

в) лизинг объектини бериб юбориш ёки қайта гаровга қўйиш.

31. Лизинг олувчи, Лизинг берувчининг ёзма розилигини олмай туриб, лизинг объектига нисбатан қуйидаги ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас:

а) сублизингга бериш;

б) мазкур Шартнома бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқага ўтказиш (қайта ижара);

в) бепул фойдаланишга бериш;

г) лизингга оид ҳуқуқларини гаровга қўйиш;

д) учинчи шахсни лизинг объектининг конструкцияси ва техник тавсифи билан таништириш.

#### **10-§. Лизинг объектини назорат қилиш**

32. Лизинг берувчининг тегишли ваколатга эга бўлган ходимлари лизинг объектини назорат қилишга ҳақли ҳисобланади.

Мазкур бандни бажариш мақсадида Лизинг олувчи ўзида белгиланган иш вақти давомида Лизинг берувчи вакилларининг лизинг объекти турган ва ишлатилаётган ҳудудга (бинога) бемалол киришини таъминлаш мажбуриятини олади.

#### **11-§. Лизинг объектининг қутилмаганда нобуд бўлиши, уни йўқотиб ёки бузиб қўйиш оқибатлари**

33. Лизинг объектини Лизинг олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин унинг қутилмаганда нобуд бўлиши, уни йўқотиб ёки бузиб қўйишга оид барча масъулият Лизинг олувчига ўтади.

34. Лизинг объекти бузиб қўйилганда Лизинг олувчи уни ўз ҳисобидан дарҳол тузатиши ҳамда уни ҳаминша фаол ва ишлайдиган ҳолатда сақлаб туриши керак. Бундай ҳолда ушбу Шартнома ўзгартирилмайди, Лизинг олувчи эса мазкур Шартномада кўзда тутилган тартибда ва муддатда лизинг тўловини амалга оширишни давом эттиради.

35. Лизинг объекти қутилмаганда нобуд бўлган, шунингдек бузиб қўйилган ва уни тузатишнинг имкони бўлмаган ҳолда Лизинг олувчи ушбу Шартномага кўра Лизинг берувчига тўланиши керак бўлган лизинг тўлови билан лизинг объекти нобуд бўлган ёки бузиб қўйилган пайтгача тўланган лизинг тўлови ўртасидаги фарқни Лизинг берувчига ўтказиб беради. Лизинг тўлови тўлиқ амалга оширилган вақтдан бошлаб лизинг объектига мулк (эгалик) ҳуқуқи Лизинг олувчига ўтади.

#### **12-§. Лизинг объектини суғурта қилиш**

36. Лизинг объекти қуйидаги таваккалчиликлардан суғурта қилинади:

а) нобуд бўлиш, ёнғин, барвақт эскириш, йўқотиб қўйиш, қайта тиклаб бўлмайдиган даражада бузиб қўйиш;

б) бахтсиз ҳодиса ва бошқа таваккалчиликлар.

37. Суғурта шартномаси Лизинг берувчининг лизинг объектига мулк (эгалик) ҳуқуқи

тегишли давлат идорасида рўйхатга олингандан сўнг 5 банк куни ичида тузилади.

38. Лизинг олувчи лизинг объектини Лизинг берувчи фойдасига суғурта қилади. Лизинг объекти Лизинг берувчи маъқуллаган суғурта компаниясида ушбу Шартнома амал қиладиган муддатга суғурта қилинади. Суғурта шартномасининг барча шартлари Лизинг берувчи билан келишилган бўлиши лозим. Суғурта шартномаси ва суғурта полисининг асл нусхаси, лизинг объекти Лизинг олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангунга қадар, Лизинг берувчига топширилади.

39. Лизинг берувчи ушбу Шартномадан келиб чиқадиган тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилишга ҳақли ҳисобланади. Тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи ва ундан фойда олувчи барча ҳолларда Лизинг берувчи ҳисобланади.

40. Мазкур Шартномада кўзда тутилган ҳар қандай суғурта мажбурияти ушбу Шартнома амал қиладиган бутун муддат давомида кучга эга бўлади.

### **13-§. Лизинг объекти юзасидан суғурта тўловлари**

41. Лизинг объекти билан суғурта ҳолати юз берганда тўланадиган барча тўловни Лизинг берувчи қабул қилади.

Лизинг объектининг нобуд бўлиши ёки бузилиши натижасида Лизинг берувчи кўрган зарарни Лизинг олувчи ўз ҳисобидан сўндирган, жарима ва фоизларни тўлаган тақдирда, улар билан Лизинг берувчи олган суғурта тўлови орасидаги фарқ Лизинг берувчининг ҳисобварағига пул маблағи киритилган пайтдан бошлаб кўпи билан 10 кун ичида Лизинг олувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

Агар Лизинг олувчи кўрилган зарар ва жарима тўловини қисман сўндирса, Лизинг берувчи Лизинг олувчига суғурта тўловини, сўндирилмаган қарздорликни чегириб қолган ҳолда, ўтказиб беради.

42. Суғурта шартномаси бўйича олинган пул маблағининг етарли эмаслиги мазкур Шартномада кўзда тутилган лизинг тўлови, жарима ва кўрилган зарарни Лизинг олувчидан тўлиқ ундириб олиш учун асос бўлади.

### **14-§. Томонларнинг жавобгарлиги**

43. Лизинг олувчи лизинг объектини етказиб бериш муддатига риоя этилмаганлиги хусусида бевосита Сотувчига эътироз билдиришга ҳақли ҳисобланади, бунда Лизинг берувчи лизинг объекти бўйича уч томонлама олди-сотди шартномасида белгиланган муддатга Сотувчи томонидан риоя этилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

44. Лизинг олувчининг жавобгарлиги:

а) ушбу Шартноманинг 11-бандини “а” кичик бандида қайд этилган тўловни, Лизинг берувчи лизинг объекти учун Сотувчига тўловни тўлагунга қадар, амалга ошириш;

б) Лизинг олувчининг айби билан лизинг объекти ўз вақтида қабул қилинмаган ҳолда, кечиктирилган ҳар бир кун учун ушбу Шартнома умумий қийматидан 0,01%, лекин мазкур Шартнома қийматининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, жарима тўлаш;

в) мазкур Шартноманинг 25-бандида қайд этилган мажбуриятлар бажарилмаганда лизинг бўйича қарздорликнинг қолдиқ қийматидан 10% жарима тўлаш (жарима тўланиши Лизинг олувчини ушбу Шартноманинг 25-бандида кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди);

г) Лизинг берувчига ушбу Шартноманинг 32-бандида қайд этилган лизинг объектини назорат қилиш имконияти берилмаган ҳолда мазкур Шартнома қийматидан 1% миқдорида жарима тўлаш;

д) мазкур Шартноманинг 49-бандида қайд этилган ҳужжатлар Лизинг берувчига тақдим этилмаса, ушбу Шартнома қийматидан 1% миқдорида жарима тўлаш;

е) ушбу Шартноманинг 31-бандини “а” кичик бандида қайд этилган ҳаракат Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз амалга оширилганда, мазкур шартномага мувофиқ олинган

жами тўловлар миқдорида, лекин лизинг объекти сублизинг олувчининг ихтиёрида бўлган даврда Лизинг олувчи Лизинг берувчига ҳар бир ой учун тўлаши лозим бўлган лизинг тўловидан кам бўлмаган миқдорда, жарима тўлаш;

ё) мазкур Шартноманинг 31-бандини “б”, “в”, “г” ва “д” кичик бандларида қайд этилган ҳаракатлар Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз амалга оширилганда, ушбу Шартнома қийматидан 0,5% миқдорида жарима тўлаш;

ж) суғурта мукофоти киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни суғурта шартномаси тузилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида тақдим этмаса, Лизинг берувчи лизинг объектини ўз ҳисобидан суғурта қилиши ва ушбу суғурта билан боғлиқ харажатларни қоплаб беришни Лизинг олувчидан талаб қилишга ҳақли бўлади. Бундай ҳолда юқорида қайд этилган чиқимларни 15 кунлик муддатда қоплаш ва мазкур Шартнома қийматидан 1% миқдорида жарима тўлаш;

з) мазкур Шартноманинг 34-бандига мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятни бажармаган тақдирда, Лизинг берувчи лизинг объектини ўз ҳисобидан тузатишга ҳақли бўлади. Бундай ҳолда Лизинг берувчининг барча харажатларини қоплаш ва ушбу Шартнома қийматидан 10% миқдорида жарима тўлаш.

### **15-§. Пул маблағини акцептсиз ҳисобдан чиқариш**

45. Қуйидаги ҳолларда пул маблағини Лизинг берувчи акцептсиз тартибда Лизинг олувчидан ундириб олишга ҳақли бўлади, Лизинг олувчи эса ўзининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан акцептсиз ундириб олинишига ўз розилигини беради:

а) Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартномада белгиланган оралиқ тўлов муддати тугагандан кейин лизинг объектдан фойдаланганлик учун тўлов кетма-кет икки марта тўланмаса – тўланмаган лизинг тўлови миқдорида;

б) Лизинг олувчи лизинг объектини соз ҳолатда сақламаётган ва бу унинг истеъмол сифатини ёмонлаштираётган бўлса – мазкур Шартнома қийматидан 10% миқдорида.

### **16-§. Шартномани Лизинг олувчи ташаббуси билан бекор қилиш**

46. Лизинг берувчи лизинг объектдан ушбу Шартнома шартларига ёки белгиланган мақсадда фойдаланишга тўсқинлик қилганда, мазкур Шартнома Лизинг олувчи ташаббуси билан суд орқали бекор қилиниши мумкин.

### **17-§. Шартномани Лизинг берувчи ташаббусига кўра бекор қилиш**

47. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда Лизинг берувчининг ташаббуси билан суд орқали бекор қилинади:

а) Лизинг олувчи лизинг объектдан фойдаланиш пайтида Шартнома шартлари бузилишига йўл қўйганда ёки белгиланган мақсадда фойдаланмаганда;

б) Лизинг олувчи лизинг объектининг ҳолати жиддий ёмонлашувига йўл қўйганда;

в) Лизинг олувчи лизинг тўловини ушбу Шартномада белгиланган оралиқ тўлов муддати тугагандан кейин кетма-кет икки мартадан ортиқ тўламаганда.

Лизинг берувчи судга мурожаат қилишга, Лизинг олувчини Шартнома шартлари бузилганлиги ҳақида ёзма огоҳлантириб, уларни бартараф этишнинг ушбу огоҳлантириш хатида белгиланган муддати тугагандан сўнг ҳақли бўлади.

48. Лизинг берувчи қуйидаги ҳолларда ушбу Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўлади:

а) Лизинг олувчи ушбу Шартноманинг 30-бандида қайд этилган ҳаракатларни содир этганда;

б) Лизинг олувчи ушбу Шартноманинг 31-бандида қайд этилган ҳаракатларни содир этганда.

### **18-§. Лизинг олувчи фаолияти тўғрисида ҳисобот**

49. Лизинг олувчи ҳар чоракда Лизинг берувчига ўзининг молиявий аҳволи ҳақида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятини олади:

- а) бухгалтерия баланси (1-шакл бўйича ҳисобот);
- б) фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот (2-шакл бўйича ҳисобот);
- в) дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳақида маълумот;
- г) Лизинг берувчининг талабига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

#### **19-§. Шартнома муддати тугагандан сўнг лизинг объектига мулк ҳуқуқининг Лизинг берувчидан Лизинг олувчига ўтиши**

50. Мазкур Шартнома муддати тугагандан, яъни Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргандан кейин лизинг объектига мулк (эгаллик) ҳуқуқи Лизинг берувчидан Лизинг олувчига ўтади. Лизинг объектига мулк (эгаллик) ҳуқуқини Лизинг берувчидан Лизинг олувчига ўтказиш учун:

а) Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида қарздорликни солиштириш далолатномаси тузилади;

б) Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида лизинг объектига мулк (эгаллик) ҳуқуқини топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланади.

51. Лизинг олувчи лизинг объектига мулк (эгаллик) ҳуқуқини Лизинг берувчидан олгандан сўнг, ўзининг ушбу ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштиради.

Лизинг объектини Лизинг олувчи номига расмийлаштириш бўйича барча харажат Лизинг олувчи томонидан амалга оширилади.

#### **20-§. Лизинг объектини қайтариб олиш шартлари ва тартиби**

52. Агар Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартноманинг 25, 30 ва 31-бандларида қайд этилган шартлар бажарилмаса, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда Лизинг берувчининг талаби билан лизинг объекти қайтариб берилади.

Лизинг олувчи томонидан лизинг объектини қайтариш тўғрисида Лизинг берувчи талабномаси олинганда, Лизинг олувчи талабнома олингандан сўнг 30 кун ичида лизинг объектини Лизинг берувчининг вакиллариغا топшириш орқали амалда жойлашган жойида қайтаради. Лизинг объектининг қайтарилиши далолатнома билан расмийлаштирилади.

Лизинг берувчига лизинг объекти қайтариб берилгандан сўнг, Лизинг олувчи 30 кун давомида лизинг объектини қайтариб олиш учун тўлов қилиш (выкуп) ҳуқуқини йўқотмайди.

53. Лизинг олувчидан лизинг объектини қайтариб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланади.

54. Лизинг объектининг қайтариб олиниши Лизинг олувчини ушбу Шартномани бекор қилиш пайтигача бажариши зарур бўлган мажбуриятлардан озод этмайди.

Лизинг олувчидан лизинг объекти қайтариб олинганда, Лизинг берувчи ҳисобига лизинг тўлови сифатида кирим қилинган тўловлар ва ушбу Шартномага мувофиқ Лизинг олувчи томонидан тўланган бошқа тўловлар қайтарилмайди.

#### **21-§. Форс-мажор ҳолатлар**

55. Ушбу Шартномага кўра қабул қилинган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томон, агар бунга форс-мажор ҳолат сабаб бўлганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

56. Форс-мажор ҳолатларга, улар оқибатида келиб чиққан фавқулодда, жорий шароитда бартараф этиб бўлмайдиган ва олдиндан кутилмаган вазиятлар, агар ушбу вазиятлар томонларнинг мазкур Шартномани бажаришига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, қуйидагилар қиради:

а) табиий ҳодисалар (зилзила, кўчки, довул, қурғоқчилик ва бошқа табиий ҳодисалар);

б) ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (ҳарбий ҳаракат, иш ташлаш, қамал, давлат ташкилотлари ҳамда давлатлар ўртасидаги чекловчи ва тақиқловчи чоралар, шунингдек Ҳукумат қарорлари ва бошқалар).

57. Форс-мажор ҳолат содир бўлиши оқибатида ўз мажбуриятини бажариш имкониятига эга бўлмаган ва жавобгарликдан озод қилишни даъво қиладиган томон форс-мажор ҳолат содир бўлганини маълум бўлиши билан иккинчи томонни мазкур ҳолат тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

58. Жавобгарликдан озод бўлиш учун асос форс-мажор ҳолат содир бўлган вақтдан бошлаб ёки агар хабар ўз вақтида берилмаган бўлса, у ҳолда хабар берилган санадан эътиборан кучга эга бўлади. Хабар берилмаслиги, мажбуриятни бажармаган томон зиммасига кўрилган зарарни қоплаш юзасидан жавобгарликни юклайди.

59. Форс-мажор ҳолатларнинг 6 ойлик муддат давомида сақланиб туриши мазкур Шартномани бекор қилиш учун асос бўлади.

## **22-§. Шартноманинг амал қилиш муддати**

60. Ушбу шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қиладди.

## **23-§. Низоларни ҳал этиш**

61. Томонлар ушбу Шартномадан келиб чиқувчи низоларни музокара йўли билан ҳал этишнинг барча зарур чораларини кўриш мажбуриятини олади.

62. Низони музокара йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаса, у Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий судда ҳал қилинади.

## **24-§. Бошқа шартлар**

63. Лизинг оловчи Сотувчи томонидан лизинг объекти учун берган кафолатдан фойдаланади.

64. Мазкур шартноманинг бекор қилиниши томонларни у бекор қилингунга қадар билдирилган ўзаро даъволарни (талабларни) қондириш мажбуриятидан озод қилмайди.

65. Ушбу Шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланганда қонуний кучга эга бўлади.

66. Ушбу Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

67. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари қўлланилади.

## **25-§. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари**

Лизинг берувчи:	Лизинг оловчи:
Манзили _____	Манзили _____
Тел. _____ Факс: _____	Тел. _____ Факс: _____
Банк коди _____	Банк коди: _____
Ҳисобварағи _____	Ҳисобварағи _____
СТИР _____	СТИР _____
Бошқарувчи _____	Директор _____
Бош бухгалтер _____	Бош бухгалтер _____
Мухр ўрни _____	Мухр ўрни _____

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сонли лизинг шартномасига  
**1-илова**

### Лизинг объекти учун БУЮРТМА

Лизинг олувчи ушбу билан лизинг объектининг техник параметрларини қуйидагилар билан белгилайди:

1. Лизинг объекти номи \_\_\_\_\_ ;
2. \_\_\_\_\_ ;
3. \_\_\_\_\_ ;
4. \_\_\_\_\_ ;
5. \_\_\_\_\_ ;
6. \_\_\_\_\_ ;
7. \_\_\_\_\_ ;
8. \_\_\_\_\_ ;
9. \_\_\_\_\_ ;
10. \_\_\_\_\_ ;
11. \_\_\_\_\_ ;
12. \_\_\_\_\_ .

Лизинг объекти \_\_\_\_\_ дан  
сотиб олинди лозим.

### Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

Лизинг берувчи:	Лизинг олувчи:
Манзили _____	Манзили _____
Тел. _____ Факс: _____	Тел. _____ Факс: _____
Банк коди _____	Банк коди: _____
Ҳисобварағи _____	Ҳисобварағи _____
СТИР _____	СТИР _____
Бошқарувчи _____	Директор _____
Бош бухгалтер _____	Бош бухгалтер _____
Мухр ўрни _____	Мухр ўрни _____

